



СЎЗБОШИ

Тилимиз, адабиётимиз, умуман ўтмиш маънавиятимизни, хусусан, ўтмишда яратилган туркий тилидаги ёдгорликларнинг барчасини атрофлича ва чуқур ўрганишимиз билангина ўтмишда ва ҳозирда жаҳонда миллатимиз ўрни, мавқеи, ўзига хослигини аниқлай оламиз. Натижада ҳозирги ҳолатимизга келиш тадрижий тараккиёт жараёнини тасаввур эта оламиз.

Туркий халқлар маънавий тараккиётида «Ўгузнома»нинг тутган ўрни масаласида жаҳон фанида кўп ва хўб фикрлар айтилган. («Dede Korkut kitabi», Ankara, 1958; F. Sumer, Ogurlar (Turkmenlar). Tarihlari – boy teskilati-destanlari, 1967; «Книга моего деда Коркута» М., Л., 1925 г.).

Биз эътиборингизга ҳавола этаётган қадимий битиклардан бири бўлган «Ўгузнома»нинг «Ўгузномалар» орасида тутган ўрни ҳақида таникли олим Х.Кўрўгли ихчамгина ифода этган: «Ўгузнома» атамаси... дастлаб Абу Бакр б. Абдуллох б. Ойбек ад Давадари (XIV аср) асарида учрайди. Рашидуддинда қайд этилган, лекин бизгача етиб келмаган нусха ҳамда Париж миллий кутубхонасида сақланаётган уйгур ёзувидаги «Ўгузнома» ҳам тахминан ўша даврга хосдир.

Бундан ташқари, XV—XIX асрларда Ўрта Осиёда чигатой тилида битилган қатор «Ўгузнома»лар ҳақида маълумотлар мавжуд...»

Бизгача етиб келган, Ўрта ва Марказий Осиёда яратилган «Ўгузнома»лар узук бўлиб, ўгузларнинг бой эпик ижоди ҳақида «Китоб дедам Кўрқут» каби тасаввур бера олмайди (Х. Короглы, «Родословная туркмен» Абулгази и огузский эпос», «Turkologik», Л., 1976).

Туркшунос олим В.В. Радлофнинг «Қадимги турки лугат»ида Ўгуз қогон ҳақидаги афсона борасида қуйидагилар ёзилган: «XIII юз йилликка оид Ўгуз қогон ҳақида афсона мазмунан эпик бўлиб, XV асрга даҳил ягона нусхаси уйгур ёзувида битилган ва ҳар бирида 9 қатор ёзув бўлган 42 саҳифадан иборатдир. Бу нусха Париждаги Миллий кутубхонада сақланади».

Сизнинг ихтиёрингизга ҳавола этилаётган матн эса, 1992 йили уйгур ёзувидаги нусхадан кирилл ёзувида ўгирилган ҳолда бизга тақдим этилди, уни тилимиз тарихи нуқтаи назаридан танқидий қараб нашрга тайёрлашга ҳаракат қилдик. Ушбу асарни В.В. Радлоф лугатида келтирилган матн қисми билан қиёсланганда айрим фарқлар учраши қузатилди:

- 3/3: «Бунда келганлар кўк кўп-кўп (Радлофда «кўк» йўк).
 1/8: Кўклурак (Радлофда: кўруклурак).
 3/5: Эл кўпларни (Радлофда: Эл-кунларни).
 6/5: Тангрини йалбарэуда эрди (Радлофда: Тангри Йолбарэуда эрди).
 9/2: Кўруклурак бир киз эрди (Радлофда: Кўруклурак киз эрди).
 6/6: Йэрниг эл-куни ани кўрса (Радлофда: Йэрнинг йэл куни кўрса).
 12/1: Йэрда йурусун кулан (Радлофда: ав йэрда йурусун кулан).
 12/2: Кўк курихон (Радлофда: кўк кўриган).
 16/4: Кўк тулурак (Радлофда: кўк тулурак).
 17/6: Кўк йаллурак (Радлофда: кўк чаллурак).
 18/4: Иашунда Итил (Радлофда: Ўшанда Итил).
 20/8: Балухни бенга саклан (Радлофда: белухни бизга саклан).
 24/5: Йэтт, кечди (Радлофда: Йэтти, кести).
 27/9: Кагардин сарулниш эрди (Радлофда: Саунмиш эрди).
 30/7: Йурит когонни босди (Радлофда: Чур-чит фогонни баста).
 31/5: Ишай бир чевар (Радлофда: йокши/йашки бир чебар).

Биз кайси бирини тўғрироқ деб ҳисобласак, ўша шаклни матнга киритдик.

Бундан ташқари, бизнинг нусхада В.В. Радлоф фойдаланган нусхадаги «ч/ж» ўрнида «й» ишлатилиши, -дин ўрнида -дан кўлланиши ҳам кузатилади. Булар Ўгуз когон хақидаги афсонанинг яна бир нусхаси борлиги фикрни ёқлаш учун келтирилди. Бу афсонани киёслаш ва ўрганиш жараёнида ушбу матнда туркий халқлар оғзаки адабиётига хос бўлган дostonлар назарда тутилмоқда, наср ва назми аралаш кўллаш хусусияти ҳам аниқланди. Бунинг устига ундаги назм асар XIII асрга тегишли бўлишига карамай, шеърлари туркий вазнда битилганлиги, боз устига оғзаки адабиётимизга хос саж унсуридан кенг фойдаланилгани

маълум бўлди. Шу хусусиятлар аниқланганидан кейин биз шеърнинг яхлитлиги, сажнинг охангани саклаб юзага чиқариш учун ва ҳозирги ўқувчига осон етиб боришини кўзлаб, сатрларни матнда берилганидан бир оз ўзгартиришга ботиндик. Бу эпик асар тилимиз тарихи юзасидан муҳим бир ёдгорлик бўлиши билан бир каторда, туркий кавмлар мифологияси (демак дунёкараши) асосларини ўрганиш бўйича ҳам тадқиқотчилар эътиборини тортиб улгурган (Каранг, Ж. Дюмезиль. Скифы и Нарты, М.,

«Наука», 1979 г.). Афсуски, туркий мифология билан бизнинг мутахассиларимиз жиддий шугулланмаганлиги, мазкур асарни ҳам таҳлил нимарсасига айлантира олмагани боис бўлса керак, айнан мана шу ёдгорлик гувоҳлигидан келиб чиқиб, бизнинг идрокимиз — дунёкарашимиз бошка кавмларнинг (бу ўринда хитойча фикрлаш хақида гап кетмоқда) дунёни англашидан андозалар олгандан кўра, турк эртақлари ўз халқининг иждодий кувваси махсулидан кўра, бегоналардан ўзлаштирилган (асосан, форслардан) хоссалари кўпроқ намоён бўлади (В.Д. Смирнов. Турецко-османские сказки, Тюркологический сборник. 1973 г. 228-6.)

деган иддаога чидашимизга тўғри келмоқда. Лекин «Юкорида Кўк, куйида Ер» деган хитойча дунёкарашнинг Ўрхун битикларидаги ифодасига чуқурроқ қаралса ва у ушбу ёдгорликдаги «ей», «ўк» каби олтин ва кумуш рамзлари вазифаси туркий кавм дунёкараши асосида таҳсил этилса, хитойча эмас, балки дунёга туркийга қараш, идрок этиш намоён бўлиши шубҳасиздир.

Мақсад мазкур матнни ўтмиш дунёкарашимиз — исломдан олдин оламни тасаввур

килишимиз кандай бўлганлигини ўзимиз англашимиз даркор ва уни оммага кандай етказишимизга ҳам боглик. Ёй, ўк унсурларидан ташкари, туш кўриш ва тушни йўювчи ёки уни сотувчи — ушимал — Улуг Турук ва унинг рамзий маъносига диққат қилмоқ ҳам лозим кўринади ҳамда бу уч унсури яхлит кўриш ҳам даркорга ўхшайди. Хулоса килиб айтганда, ушбу 375 мисрали битикдан В.В. Радлофнинг «Кадимги турки лугат» асарида туркий сўзлар ва тушунчалар маъносини очишда «Девону лугати турк», «Кутадгу билик», Ўрхун тошбитиклари, «Хибатул хакойик» каби улуг битиклар каторида фойдаланганлиги унинг тилимиз тарихини очишдаги мавқеини кўрсатади. Ушбу, асарни тилшунослар, адабиётшунослар, тарихчилар ҳар томонлама ўрганиб таҳлил этсалар этнографиямиз, мифологиямиз борасидаги анча-мунча муаммоларимизнинг ечимини топишда катта аҳамият касб этиши аниқ.

ЎГУЗНОМА (кўлөзма табдили)

I

1. Бўлсункил деб дедилар. Анинг анакуси ушбу турар
2. Таки мундан сўнг севинч таптилар
3. Кена кунлардан бир кун Ай каганнунг кўзи йарип будади
4. Эркак ўгул тугурди
5. Ўшул ўгулнунг ўнглуги чираки кўк эрди
6. Агизи аташ кизил эрди, кўзлари ал
7. Сачлари, кашлари кара эрдилар эрди
8. Йакши напсикилардан кўруклуграк эрди
9. Ўшул ўгул анасининг кўгузундун агузни ичип

II

1. Мундун артикрак ичмади, йиг эт, сурма тилади
2. Тили кела башлади. Кирик кундан сўнг бедуклади
3. Йўриди, ўйнади, адаги уд адагидек
4. Беллари бўри белларидек, йагри киш йагритек
5. Кўгузу адуг кўгузутек эрди
6. Баданинунг камаги тук тулутлук эрди
7. Йилкилар кутайа турур эрди
8. Атларга мина турур эрди, кик ав авлайа турур эрди
9. Кунлардан сўнг, кечалардан сўнг йигит бўлди

III

1. Бу чакда бу йерда бир улуг ўрман бар эрди
2. Кўп муранлар, кўп ўкузлар бар эрди
3. Бунда келганлар кўп-кўп, бунда учканлар куш кўп-кўп эрди
4. Ўшул ўрман ичинда бедук бир киат бар эрди
5. Йилкиларни, эл-кунларни йэр эрди

6. Бедук йаман бир кик эрди
7. Бэрка эмгак бирла эл-кунни басип эрди
8. Ўгуз каган бир эриз, кагаз киши эрди
9. Бу киятни авламак тилади. Кунлардан бир кун авга чикти

IV

1. Йида бирла, йа, ўк бирла, таки килич бирла
2. Калкан бирла атлади. Бир бугу алди
3. Шул бугуни талнунг чубуки бирла
4. Игачка баглади, кетди. Андан сўнг эрта бўлди
5. Танг эрта чакда келди. Кўрдиким кият
6. Бугуни алип турур. Кена бир адуг адди
7. Алтунлуг белбаги бирла йигачка баглади, кетди
8. Мундун сўнг эрта бўлди, танг эрта чагда келди
9. Кўрдиким кият адугни алуп турур

V

1. Кена ўша йигачнунг тубинда турди
2. Кият келип баши бирла Ўгуз калканин урди
3. Ўгуз жида бирла киятнинг башин урди
4. Ани ўлтурди. Килич бирла башин кести, алди, кетти
5. Кена келип кўрдиким, бир шункар
6. Киятнинг ичагусин йэмакта турур
7. Йа бирла, ўк бирла шункарни ўлтурди, башини кести
8. Андин сўнг дедиким, шункарнунг ангугуси ушбу турур
9. Бугу йэди, адуг йэди-жидам ўлтурди тамур бўлса

VI

1. Киятни шункар йэди, йа ўкум ўлтурди
2. Йэл бўлса, деп деди, кетти
3. Таки киятнунг ангугуси ушбу турур
4. Кена кунларда бир кун Ўгуз каган
5. Бир йэрда Тангри йалбаргуда эрди
6. Карангулук келди
7. Кўкдун бир кўк йарук тушди
8. Кундун айан, айдан кўгулгулуграк эрди
9. Ўгуз каган йуруди

VII

1. Кўрдиким ушбу йарукнунг арасинда бир киз бар эрди
2. Йалгиз ўлтурур эрди, йакши кўруклуг бир киз эрди
3. Анинг башинда аташлуг йаруклуг
4. Бир менги бар эрди, алтун казиктег эрди
5. Ўшул киз андаг кўруклуг эрдиким
6. Кулса Кўк Тангри кула турур
7. Йигласа Кўк Тангри йиглайу турур

8. Ўгуз каган ани кўрдукта
9. Ўзи калмади: катти севди, алди

VIII

1. Анунг бирла йатти, тилагусин алди, тўл бўғаз бўлди
2. Кунлардан сўнг, кечалардан сўнг йаруди
3. Уч эркак ўгулни тугурди
4. Биринчисига Кун от кўйдилар
5. Иккичисига Ай ат кўйдилар
6. Учунчусига Йулдуз ат кўйдилар
7. Кена бир кун Ўгуз каган авга кетти
8. Бир кўл арасинда алиндан бир йигач кўрди
9. Бу йигачнунг кабучагинда бир киз бар эрди

IX

1. Йалгуз ўлтурур эрди, йакши
2. Кўруклук киз эрди
3. Анунг кўзи кўктун кўкрак эрди
4. Анунг сачи муран усугидак
5. Анунг тиши ўнжудак эрди
6. Андаг кўруклук эрдиким, йэрнинг эл-куни ани кўрса
7. Ай-ай, ах,ах, ўларбиз теп
8. Сутдин кумуз була турурлар
9. Ўгуз каган ани кўрдукта ўзи кетти, йуракига аташ тушти

X

1. Ани севди, алди, анунг бирла йатти
2. Тилагусун алди, тўл бўғаз бўлди
3. Кунлардан сўнг, кечалардан сўнг йаруди
4. Уч эркак ўгулни тўгурди
5. Биринчисига Кўк ат кўйдилар
6. Иккинчисига Таг ат кўйдилар
7. Учунчусига Тенгиз ат кўйдилар
8. Андин сўнг Ўгуз каган бедук тўй берди
9. Эл-кунга йарлик йарлап кенгаштилар

XI

1. Келдилар. Кирик шира, кирик бенданг чаптурди
2. Турлуг ашлар, турлуг сурмалар
3. Чубуйанлар, кимизлар ашадилар, ичтилар
4. Тўйдан сўнг Ўгуз каган
5. Бегларга, эл-кунларка йарлик берди
6. Токи дедиким: Мен сенларга бўлдум каган
7. Алалинг йа таки калкан
8. Тамга бизга бўлсун буйан
9. Кўк бўри бўлсунгил уран Темур йидалар бўл ўрман

XII

1. Ав йэрда йурусун кулан
2. Таки талун таки муран Кун туг бўлгил кўк кўриган
3. Теп теди. Кена андан сўнг
4. Ўгуз каган тўрт сарика йарлик йумшади
5. Билдургулук битиди, элчиларика берип йубарди
6. Ушбу билдургулукта битилмиш эрдиким:
7. Мен уйгурнинг кагани бўламанким
8. Йэрнинг тўрт булунунинг кагани бўлсам керак турур
9. Сенлардин баш чалунгулук тилап мен турур

XIII

1. Ўшул ким менинг агизумка бакар турур бўлса
2. Таратгу тартип дўст тутарман
3. Теп деди
4. Ўшбу ким агизумка бакмас турур бўлса
5. Чамат чакип, чериг чекип душман тутарман
6. Тагурак басип, астуруп йўк бўлсунгил
7. Теп деди
8. Кена ўнг чангакта
9. Алтун каган теган бир каган бар эрди

XIV

1. Ушбу Алтун каган Ўгуз каганга элчи йумшап йубарди
2. Кўп телим алтун-кумуш тартип
3. Кўп телим киз йакут таш алип
4. Кўп телим эрданалар йубарип, йумшап
5. Ўгуз каганка суйуркаб берди, агизика бакинди
6. Ўгуз каган йакши бегу бирла дўстлук килди
7. Анунг бирла амирак бўлди
8. Чўнг йангакида Урум теган каган бар эрди
9. Ушбу каганнунг чериги кўп-кўп

XV

1. Баликлари кўп-кўп эрдилар эрди
2. Ўшул Урум каган Ўгуз каганнунг йарликин сакламас эрди
3. Катаглагу бармас эрди
4. Муни сўз сўзни тутмас ман турурман, деп йарликка бакмади
5. Ўгуз каган чамат атуп анга атлагу тилади
6. Чериг бирла атлап тугларни тутуп кетти
7. Кирик кундун сўнг
8. Муз таг теган тагнунг адокига келди
9. Кўриганни тушкурди

XVI

1. Шук бўлуп уйуп турди

2. Чанг эрта бўлдукта
3. Ўгуз каганнунг кўриганика кун тег бир йарук кирди
4. Ул йаруктун кўк тулуклут
5. Кўк йаллук бедук бир эркак бўри чикти
6. Ўшул бўри Ўгуз каганга
7. Сўз берип турур эрди
8. Таки дедиким: ай, ай Ўгуз
9. Урум устика сен атлар бўласан

XVII

1. Ай, ай Ўгуз
2. Тапугунгларка мен йурур бўламан, деп деди
3. Кена андан сўнг Ўгуз каган
4. Кўригани туртурди, кетти
5. Кўрдиким черигнинг тапугларида
6. Кўк тулуклут, кўк йаллук
7. Бедук бир эркак бўри йуругуда турур
8. Ул бўрининг артларин катаглап
9. Юругуда турур эрдилар эрди

XVIII

1. Бир неча кунлардан сўнг
2. Кўк тулуклук, кўк йаллук бу бедук эркак бўри туруп турди
3. Ўгуз таки чериг бирла туруп турди
4. Ўшунда Итил муран теган бир талай бар эрди
5. Мураннунг кудугида
6. Бир кара таг тапикида
7. Урушгу тутилди
8. Ўк бирла, йида бирла, килич бирла уруштилари
9. Черигларнинг араларида кўп телим бўлди урушгу

XIX

1. Эл кунларнинг кўнгулларида кўп телим бўлди кайгу
2. Тутулунч, урушунч андаг йаман бўлдиким
3. Итил мураннунг
4. Суги кип-кизил, сип-сингир... тег бўлди
5. Ўгўз каган башти, Урум каган качти
6. Ўгуз каган Урум каганнунг
7. Каганлукин алди, элин кунин алди
8. Ўрдусика кўп улуг ўлуг баргу
9. Кўп тириг баргу тушу бўлди

XX

1. Урум каганнунг бир кариндаши бар эрди
2. Урус бег деган эрди
3. Ул Урус бег ўгулун

4. Таг башида теранг муран арасида
5. Йакши берик балукка йумшади
6. Таки тедиким: балукни катаклагу керак турур
7. Сен таки урушқулардан сўнг
8. Балукни бизга саклап келгил теп теди
9. Ўгуз каган ўшул балукка атлади

XXI

1. Урус бекнинг ўгули анга кўп алтун-кумуш йубарди
2. Таки тедиким: ай менинг каганимсен
3. Менга атам бу балукни берип турур
4. Таки тедиким: балукни катаглагу керак турур
5. Сен таки урушқулардан сўнг
6. Балукни бизга саклап келгил теп теди
7. Атам чамат этуб эрса
8. Менунг тапум эрурми?
9. Сендан йарлук, байлук, биллук биламан

XXII

1. Бизнинг кутибиз сенинг кутунг бўлмиш
2. Бизнинг уругибиз сенинг
3. Йигачунгунг уруги бўлмиш бўлуп турур
4. Тангри сенга йэр берип буйурмиш бўлуп турур
5. Мен сенга башимни, кутумни бераман
6. Бергу берип дўстлуктан
7. Чикмас турурман, теп теди
8. Ўгуз каган йигитнинг сўзин йакши кўрди
9. Севинди, кулди

XXIII

1. Таки айттиким: менга кўп алтун йумшабсан
2. Балукни йакши саклапсан теп теди
3. Анунг учун анга Саклаб ат кўйди дўстлук килди
4. Кена чериг бирла Ўгуз каган
5. Итил теган муран (га кечти)
6. Итил бедук бир (муран) турур. Ўгуз каган ани кўрди
7. Таки тедиким: Итилнинг усугидан
8. Нечук кечарбиз теп теди. Черигда бир йакши
9. Бек бир эрди, анинг ати улуг Ўрдубег эрди

XXIV

1. Узлук, укгулук бир эр эрди
2. Кўрдиким: (кудугуда кўп телим) таллар, кўп телим
3. Йигачлар (бар эрди, ушбу бег...) ўшул йигачлар
4. кести. Йигачларда
5. Етти, кести Ўгуз каган севинч этти, кулди

6. Таки айттиким, ай-ай сен мунда бег бўлунг
7. Кипчак теган сен бег бўлуни тап теди
8. Таки илхари кетти. Андан сўнг
9. Ўгуз каган кена кўк тулуглуг

XXV

1. Кўк йаллуг эркак бўри келди
2. Ушбу кўк бўри Ўгуз каганга айттиким
3. Эмди чериг бирла мундун атла, Ўгуз
4. Атлап эл кунларни, бегларни келдургил
5. Мен сенга башлап йўлни кўргурурман теп теди
6. Танг эрта бўлдукта
7. Ўгуз каган кўрдиким эркак бўри
8. Черигнинг тапугларида йуругуда турур
9. Севинди, илгару кетти

XXVI

1. Ўгуз каган бир чўкуртан айгир атка мина турур эрди
2. Ўшул айгир атни бек чўк севийур эрди
3. Йўлда ушбу айгир ат кўздан йиту качти, кетти
4. Мунда улуг бир таг бар эрди
5. Ўша устунда тўнг таки муз бар турур
6. Анунг баши сагукдан ап ак турур
7. Анунг учун анунг ати Муз таг турур
8. Ўгуз каганнинг ати Муз таг
9. Ичига качип кетти. Ўгуз каган мундан

XXVII

1. Кўп чаги эмгак чекуп турди
2. Черигда бир бедук кагаз эр бек бар эрди
3. Чаланг булангдан кўрукмас турур эрди
4. Йугургуда, сўгургуда кўркмас турур эрди
5. Ўшул бег тагларга кирди, йуруду
6. Тўкуз кундун сўнг Ўгуз каганка
7. Айгир атни келтурди
8. Муз тагларда кўп сўгук бўлубдан
9. Ул бек кагардан сарунмиш эрди, ап ак эрди

XXVIII

1. Ўгуз каган севинч бирла кулду айттиким:
2. Ай, сен, мунда бегларка бўлгил башлик
3. Маманглаб сенга ат бўлсун кагарлик
4. Теп теди. Кўп ардани суйуркади
5. Кена йўлда бедук бир уй кўрди. Бу уйнунг илгару кетти
6. Тагами алтундан эрди
7. Тунглюклари таки кумушдун, каликлари темурдун эрдилар эрди

8. Капулуг эрди, ачкич йўк эрди
9. Черигда бир йакши чевар эр бар эрди

XXIX

1. Анунг ати Тўмурду кагул деган эрди
2. Анга йарлик килдиким: сен мунда кел, ач
3. Калик ачкунгдун сўнг кел ўруга деб теги
4. Шундан анга калач ат кўйди, илгару кетти
5. Йана бир кун кўк тулуклуг
6. Кўп йаллук бўри йуримайин турди
7. Ўгуз каган таки турди, кўриган тушура турган турди
8. Тарлагусиз бир йази йэр эрди
9. Мунга чурчит дедирурлар эрди

XXX

1. Бедук бир йурт, эл кун эрди
2. Йилкилари кўп, уд, бузаклари кўп
3. Алтун кумушлари кўп, эрданалари кўп эрдилар эрди
4. Мунда чурчит кагани, эл куни Ўгуз каганка каршу келдилар
5. Уруш, тўкуш башланди. Ўқлар бирла
6. Киличлар бирла уруштилари. Ўгуз каган бешим
7. Чурчит каганни басти, ўлтурди
8. Башин кести, чурчит эл-кунин ўз агизика
9. Бакинтирди. Урушкундун сўнг Ўгуз каганнунг

XXXI

1. Черигига, нукарларига, эл-кунига
2. Андаг улуг ўлуг баргу туштиким
3. Йукламакка, келтурмакка ат, кагатир, уд
4. Азлик бўлди. Анда ўгуз каганнунг
5. Черигида узлуг, ишай бир чевар киши бар эрди
6. Анинг ати Бармаклуг Йўсун Биллик эрди
7. Бу чевар бир канга чапти. Канга устунда
8. Ўлуг баргуни кўйди. Канга башида тирик баргуни кўйди
9. Тариттилар кеттилар. Нукарларнунг

XXXII

1. Эл-куннунг камаги буни кўрдилар, шашдилар
2. Кангалар таки чаптилар. Мунлар канга йурумакта
3. «Канга, канга» сўз бера турур эрдилар эрди
4. Анунг учун анларга канга ат кўйдилар
5. Ўгуз каган кангаларни кўрди, кулди
6. Таки айтти ким канга канга бирла
7. Ўлутни тириг йуругурсун
8. Кангалуг сенга ат бўлгулуг
9. Канга билгурсин тап теги. Кетти

XXXIII

1. Андан сўнг кена бу кўк тулуглук, кўк йаллук
2. Эркак бўри бирла Синду таги, Тангут таги
3. Шагам йангтакларига атлап кетти
4. Кўп урушкундун кўп тўкушгундун сўнг
5. Анларни алди, ўз йуртига бирлади
6. Башти, басти кена ташкарун калмасун
7. Биллуг бўлсунким кундунки булунгда
8. Баркан теган бир йэр бар турур
9. Улуг баргулуг бир йурт турур, кўп исиг бир йэр турур

XXXIV

1. Мунда кўп киклари, кўп кушлари бар турур
2. Алтун кўп, кумуши кўп, эрданилари кўп турур
3. Ўнглугу чираги кап-кара турур
4. Ўшул йэрнинг кагани Масар деган бир каган эрди
5. Ўгуз каган анинг устига айлади
6. Андаг йаман урушгу бўлди
7. Ўгуз каган башти, Масар каган качти
8. Ўгуз ани басти, йуртин алди, кетти. Анинг дўстлари
9. Кўп севинчлиг эрди, анунг душманлари кўп

XXXV

1. Кайгулар тапти. Ўгуз каган ани башти
2. Санагулуксиз немалар, йилкилар алди
3. Йуртига уйига тушти, кетти.
4. Кена чашкарун калмасунким
5. Биллуг бўлсунким Ўгуз каганнунг
6. Йанида ак саллалуг, муз сачлуг
7. Узун узлуг бир карт киши турур бар эрди
8. Укгулуг тузун бир эр эрди, тушимал эрди
9. Анунг ати Улуг Турук эрди

XXXVI

1. Кунлардан бир кун уйкуда бир алтун йа кўрди
2. Таки уч кумуш ўк кўрди, бу алтун
3. Йа кун тугушидан то кун батушигача
4. Теккан эрди, таки бу уч
5. Кумуш ўк тун йанггакка кета турур эрди
6. Уйкудан сўнг тушда кўрганин
7. Ўгуз каганга билдурди
8. Таки дедиким: ай каганум
9. Сенга йашагу бўлсунгил узун, ай каганум

XXXVII

1. Сенга тўрулук бўлсунгил тузун

2. Бенга Кўк тангри берди тушумда келдурсун
3. Тала турур йэрни уругунгга бердурсун
4. Теп теди Ўгуз каган Улуг Турукнунг
5. Сўзун йакши кўрди, ўгудун тилади
6. Ўгудугу кўра килди андин сўнг
7. Эрта бўлупта акаларни, иниларни
8. Чарлап келтурди. Таки айттиким: ай, менинг
9. Кўнглум авни тилап турур

XXXVIII

1. Кари бўлгумдан менинг кагазлугум йўк турур
2. Кун, Ай, Йулдуз, танг сарига сенлар барунг
3. Кўк, Таг, Тенгиз, тун сарига сенлар барунг
4. Дед деди. Андан сўнг учагусу
5. Танг сарига бардилар. Таки учагусу
6. Тун сарига бардилар. Кун, Ай
7. Йулдуз кўп киклар, кўп кушлар авлагуларидан
8. Сўнг йўлда бир алтун йани
9. Чаптилар, алдилар, атасига бердилар

XXXIX

1. Ўгуз каган севинди, кулди, таки ани
2. Уч бузгулук килди. Таки айттиким, ай акалар
3. Йа бўлсун сенларнунг, йа тек
4. Ўкларни кўккача атунг деб деди
5. Йана андан сўнг Кўк, Таг
6. Тенгиз кўп киклар, кўп кушлар авлагуларидан
7. Сўнг йўлда уч кумуш ўкни
8. Чаптилар, алдилар, атасига бердилар
9. Ўгуз каган севинди, Кулди, таки ўкларни

XL

1. Учута улаштурди, таки айттиким
2. Ай инилар, ўқдар бўлсун сенларнунг
3. Йа атти ўкни ўклартек
4. Сенлар бўлунг теп теди. Йана андан еўнг
5. Ўгуз каган улуг курултай чакирди
6. Нукарларни, эл-кунларни чарлап чакирди
7. Келип кенгашип ўлтурдилар, Ўгуз
8. Каган бедук ўрдуда
9. (ўнг йакида) ... (сўнг йакда уч ўқдар ўлтурди)

XLI

1. Кирик кулоч йигачни тиктурди. Анунг
2. Башида бир алтун тагук кўйди, адагида
3. Бир ак кўйун баглади. Чўнг

4. Йагида кирик кулач йигачни тиктурди
5. Анунг башида бир кумуш тагук кўйди
6. Адакида бир кара кўйунни баглади
7. Ўнг йакда бузуклар ўлтурди
8. Чўнг йакда учўклар ўлтурди
9. Кирик кун кирик кеча ашадилар

XLII

1. Ичтилар севинч таптилар. Андан сўнг Ўгуз каган
2. Ўгулларига йуртун улаштируб берди. Таки дедиким:
3. Ай ўгуллар, кўп мен аштум, урушгулар кўп мен кўрдум
4. Йида била кўп ўк аттим, айгир била кўп йурдум
5. Душманларни йиглагурдум. дўстларимни мен
6. Кулдурдум. Кўк Танрига мен ўтадум
7. Сизларга бераман йуртум теп теги
8. ...
9. ...

ЎГУЗНОМА (мазмуни)

I

1. Бўлсин, дедилар. Унинг нишони ушбудир:
2. Токи бундан кейин севинч топгайлар.
3. Яна кунлардан бир кун Ой когоннинг кўзи ёриб кўпайди (бўлинди).
4. Эркак ўгил тугдирди.
5. Ўша ўгил юзининг ранги кўк эди.
6. Огзи оташ каби кизил эди. Кўзлари кўйкўз,
7. Сочлари, кошлари коп-кора эди.
8. Нозик фаришталардан ҳам кўхлирок эди.
9. Ўшал ўгил онасининг кўкрагидан огиз сутини эмиб,

II

1. Бундан ортик (хеч хам эммади) ичмади; хом эт, ош-овкат шароб сўранди.
2. Тилга кира бошлади. Кирк кундан сўнг улгайди (катта бўлди).
3. Юриди, ўйнади. Оёги хўкизнинг оёгидек,
4. Беллари бўри белларидек, ягрини киш (силовсин) ягридек,
5. Кўкси айик кўкрагидек эди.
6. Баданини буткул калин тук коплаган эди.
7. Йилки бокиб юрар эди.
8. Отларга минарди, кийик (ёввойи хайвон)ларни ов килиб овлар эди.
9. Кунлар ўтгандан сўнг, кечалар ўтгандан сўнг йигит бўлди.

III

1. Бу чоғга бу ерда бир улуг ўрмон бор эди.
2. Кўплаб ирмоқлар, кўп дарёлар бор эди.
3. Бу ерда келганлар кўпдан кўп бўлгани каби, бунда учган кушлар ҳам кўпдан кўп эди.
4. Ўша ўрмон ичида катта бир киат (каркидон) бор эди.
5. Йилкиларни, кишиларни ер эди.
6. Жуда катта ёмон бир махлук эди.
7. Кийнок ва машаккатлар келтириб элу юртни азоб-укубатга ботирган эди.
8. Ўгуз когон ботир, хоксор, бир мард киши эди. Бу киатни овламок истади.
9. Кунлардан бир кун овга чикди.

IV

1. Чўкмор олиб, ёй-ўк олиб отланди.
2. Яна килич билан калкон олиб бир бугуни овлади.
3. Ушбу бугуни тол чивиги (новдаси) билан,
4. Дарахтга боглади ва кетди. Шундан сўнг тонг отди.
5. Тонг эрта билан келди. Киат бугуни еб кўйганлигини кўрди.
6. Яна бир айикни тутиб келтирди.
7. Олтин белбоғи билан ўша дарахтга боглади ва кетди.
8. Шундан сўнг яна тонг отди, тонг эрта яна келди.
9. Кўрдиким, киат айикни ҳам еб кўйибди.

V

1. Ўзи ўша дарахтнинг тагида кутиб турди.
2. Киат келди ва боши билан Ўгузнинг калконига урилди.
3. Ўгуз чўкмори билан киатнинг бошига урди.
4. Уни ўлдирди. Килич билан бошини кесиб олиб кетди.
5. Яна келиб кўрдиким, бир шункор
6. Киатнинг ичак-чавогини емокда экан.
7. Ёйдан ўк отиб шункорни ўлдирди, бошини кесиб олди.
8. Ундан кейин шункорнинг нишонаси, мана бу деб кўрсатди.
9. (Киат) бугуни еди, айикни еди (уни) чўкморим ўлдирди.

VI

1. Киатни эса шункор еди. Ёй ўким ўлдирди.
2. Елдек елиб еб кетди.
3. Киатнинг нишонаси мана бу деди.
4. Яна кунлардан бир кун Ўгуз когон.
5. Тангрига ёлбориб турар эди.
6. Коронгулик босди.
7. Кўкдан бир ёруг (нур) тушди.
8. Кундан равшанрок ойдан ялтирокрок эди.
9. Ўгуз когон бориб.

VII

1. Кўрдиким ушбу ёруглик ичида бир киз бор экан.

2. Ёлгиз ўзи ўтирар эди. Жуда кўркам бир киз эди.
3. Унинг бошида оташ нуридан бўлган ёркин.
4. Бир холи (менги) бор эди. Худди Олтин козик юлдузидек эди.
5. Бу киз шунчалик кўркам эдиким.
6. Кулса Кўк Тангри хам кулар.
7. Йигласа Кўк Тангри хам йиглар эди.
8. Ўгуз когон уни кўриб,
9. Ўзидан кетди: каттик севиб колди.

VIII

1. Унинг билан ётди-тилагига етди (киз) хомиладор бўлди.
2. Кунлар ўтиб, тунлар ўтиб кўзи ёриди.
3. Уч ўгил бола тугди.
4. Биринчисига Кун деб от кўйдилар.
5. Иккинчисига Ой деб от кўйдилар.
6. Учунчисига Юлдуз деб от кўйдилар.
7. Яна бир куни Ўгуз когон овга кетди.
8. Бир ўтлок орасида дарахтни кўрди.
9. Бу ёгочнинг қавагида бир киз бўлиб,

IX

1. Ёлгиз ўзи ўтирар эди.
2. Яхши, кўркам бир киз эди.
3. Унинг кўзи кўкдан хам кўкрок эди.
4. Сочлари дарё мавжидай,
5. Тишлари инжудай эди.
6. Шунчалик чиройли эдиким: уни кўрган ер инсонлари.
7. «Хой-хой, вох-вох ўлиб коламиз» дер,
8. Ва сутдан кимизга айланар эдилар.
9. Ўгуз когон уни кўргач, ўзидан кетди, юрагига оташ тушди.

X

1. Уни севиб колди, олди. У билан ётди
2. Тилагига етди. Болага (киз) хомиладор бўлди
3. Кунлар, тунлар ўтиб, сўнг кўзи ёриди
4. Уч ўгил бола тугди.
5. Биринчисига Кўк деб от кўйишди
6. Иккинчисига Тог деб от кўйишди
7. Учунчисига Тенгиз деб от кўйишди
8. Шундан сўнг Ўгуз когон катта тўй берди
9. Элу юртга ёрлик юбориб кенгашдилар

XI

1. Улар келишди. Кирк стол кирк курси ясатдирди.
2. Турли овкатлар, турли шароблар,
3. Нозу неъматлар, кимизлар едилар, ичдилар.

4. Тўйдан сўнг Ўгуз когон
5. Бекларга, эл-юртга ёрлик бериб
6. Дедиким:
7. Мен сенларга бўлдим когон, Олайлик кўлга ёй ва калкон.
8. Тамгамиз бўлсин бизнинг-олижаноблик,
9. Кўк бўри бўлсин бизга ўрон, Темир чўкмор олур дармон,

XII

1. Овлоқда мўл бўлсин кулон,
2. Дарё-денгиз тинмай окиб турсин, Куёш-туғ, Кўк бўлсин кўргон,
3. Деди. Шундан кейин яна,
4. Ўгуз когон тўрт томонга ёрликлар жўнатди.
5. Баённома битиб, элчилар оркали бериб юборди.
6. Баённомада куйидагича битилмиш эди:
7. Мен уйгурнинг когонидурманким,
8. Ер юзининг тўрт бурчаги когони бўлсам керакдир,
9. Сенлардан бўйин эгишни талаб киламан.

XIII

1. Кимки менинг амримга бўйинсунса,
2. Совга-салом келтирса дўст деб биламан.
3. Деди:
4. «Кимки бўйинсунишдан бўйин товласа,
5. Газаб отига миниб, аскар тортиб, ўзимга душман тутаман.
6. Шиддат билан бостириб бориб,
7. Уни осиб, йўколсин, деб иш тутаман» деди.
8. Яна ўша замонда, ўнг томонда,
9. Олтун когон деган бир когон хукмрон эди.

XIV

1. Ушбу Олтун когон Ўгуз когонга элчи жўнатиб юборди.
2. Кўп, турли-туман олтин-кумуш хадя килиб,
3. Кўплаб ва турли ноёб ёкутлар юбориб,
4. Турли хил кимматбаҳо дурдоналар совга такдим этиб,
5. Ўгуз когонга хушомадлар килди. Унинг раъйига каради, бўйсунди.
6. Ўгуз когон ҳам яхши, чиройли муомала килди.
7. У билан дўстлашди.
8. Сўл томонида Урум деган бир Когон бор эди.
9. Ушбу когоннинг аскарлари кўпдан-кўп,

XV

1. Шахарлари ҳам кўп эди.
2. Ўша Урум когон Ўгуз когоннинг буйругига бўйинсунмас эди.
2. Унга сафдош бўлмас эди,
3. У Ўгуз когоннинг сўзига эътибор бермас,
4. Манманлик килиб, унинг ёрликларини писанд килмади.

5. Ўгуз когон газабланиб унга карши отланди.
6. Кўшин билан отланиб, тугларини кўтариб юриш килди.
7. Кирк кундан сўнг,
8. Музтог деган тоғнинг этагига келди.
9. Ўрдасини тикди.

XVI

1. Бамайлихотир бўлиб ётиб ухлади.
2. Эрта тонг отарда,
3. Ўгуз когоннинг кўргонига (ўрдусига) кун нуридан бир ёғду кирди.
4. Ўшал ёғду ичидан,
5. Кўк тукли, кўк ёлли катта бир эркак бўри чикди.
6. Ўша бўри Ўгуз когонга,
7. Сўз котиб,
8. Айтдики, «Эй, Ўгуз!
9. Урум устига сен юриш киласан.

XVII

1. Хай, хай Ўгуз!
2. (Лашкаринг) олдида мен юраман», деб айтди.
3. Яна шундан сўнг Ўгуз когон,
4. Ўрдасини йигиштирди ва кетди.
5. Кўрдиким, лашкари олдида,
6. Кўк тукли, кўк ёлли,
7. Катта бир бўри кетмокда.
8. Ўша бўрининг оркасидан эргашиб,
9. Юрар эдилар-мўл юрдилар.

XVIII

1. Бир неча кундан сўнг кўк.
2. Тукли, кўк ёлли бу катта эркак бўри тўхтади.
3. Ўгуз ҳам, кўшини ҳам тўхтади.
4. Ана шу ерда Итил дарё деган бир катта дарё бор эди,
5. Дарёнинг киргогида,
6. Бир дарахтнинг якинида,
7. Жанг бўлди.
8. Ўк билан, гурзилар билан, киличлар билан урушдилар.
9. Икки лашкар ораларида каттик ва узок жанг бўлди,

XIX

1. Эл-юртнинг кўнглини каттик ва чукур кайгу коплади.
2. Жанг-жадал жуда ёмон бўлди.
3. Хатто Итил дарёсининг,
4. Суви ҳам кип-кизил кон сингари бўлди,
5. Ўгуз когон хужум килди. Урум когон кочди.
6. Ўгуз когон Урум когоннинг,

7. Когонлигини олди, элини, юртини олди.
8. Ўрдасига жуда кўп ўлик ўлжа,
9. Кўп тирик ўлжа кўлга киритилди.

XX

1. Урум когоннинг бир кариндоши бор эди.
2. Оти Ўрусбек деган эди.
3. Ўша Ўрусбек ўглини,
4. Тог бошида чукур дарё оралигида,
5. Яхши мустахамланган кентга юборди,
6. Дедиким, «Кентни кўриклаш керак бўлади.
7. Сенга ушбу жанглардан сўнг хам.
8. (ушбу калъани) саклаб қолишинг керак» деди.
9. Ўгуз когон ўша кентга қарши отланди.

XXI

1. Ўрусбекнинг ўгли унга жуда кўп олтин кумуш юборди.
2. Яна дедиким «Эй, сен менинг когонимсан,
3. Отам менга бу кентни берар экан,
4. Дедиким: бу кентни кўрикламок керакдир.
5. Сен ушбу жанглардан
6. Сўнг хам кентни менга сакдаб беришинг керак деди.
7. Агар отамнинг газаби тутган бўлса хам
8. Бу менинг истагим эмас-ку!
9. Сенда (айни чоғда) хокимият, бойлик ва билимдонлик бор деб биламан.

XXII

1. Бизнинг саодатимиз — сенинг саодатинг.
2. Бизнинг уругимиз — сенинг уругинг
3. Шажарасининг бир тармок уругидир.
4. Тангри сенга (мамлакат) инъом этган.
5. Мен сенга бошимни, бахтим-саодатимни багишлайман.
6. Соликларингни тўлаб.
7. Содик дўстинг бўлиб қоламан» — деб айтди.
8. Ўгуз когон бу йигитнинг сўзларини
9. Яхши кўрди, севинди, кулди.

XXIII

1. Ва яна айтдиким: «менга кўп олтин юборибсан,
2. Хамда шаҳарни яхши саклабсан,» деб айтди.
3. Шунинг учун унга саклаб деб от қўйди, дўстлик қилди.
4. Яна Ўгуз когон аскарлари билан,
5. Итил деган дарёни кечди.
6. Итил буюк бир дарёдир. Ўгуз когон буни кўрди.
7. Яна айтдики, «Итилнинг тўлкинлари
8. Узра нечук кеча оламиз» — деди. Лашкари орасида

9. Бир яхши бек бор эди. Унинг оти Ўрдубек эди.

XXIV

1. Идрокли, билагон бир инсон эди.
2. У назар ташлаб кўрдик, киргокда толлар кўп ва турфа.
3. Дарахтлар ўсиб ётарди. Ушбу бек ўша ёгочларни
4. Кесди, ёгочлар билан
5. (Дарёни) сузиб кечиб ўтди. Ўгуз когон севинди ва кулди.
6. Яна айтдиким: «Эй, сен бунда
7. Кипчок деган юрт кил ва унинг беги бўл» деб айтди.
8. Яна илгари юрди. Шундан сўнг
9. Ўгуз когонга яна кўк тукли,

XXV

1. Кўк ёлли эркак бўри келди.
2. Ушбу кўк бўри Ўгуз когонга айтдиким:
3. «Энди лашкаринг билан бу ердан отлан, Ўгуз!
4. Отланиб эл-юртларни, бекларни бўйсундир.
5. Мен сенга йўлбошловчилик киламан» —деди.
6. Эрта тонгда Ўгуз когон кўрдиким,
7. Эркак бўри лашкарнинг
8. Олдида юриб борарди.
9. (Ўгуз) севинди, яна илгарилаб юраверди

XXVI

1. Ўгуз когон кўпинча бир чагир айгирни минар эди.
2. Ушбу айгир отни бек каттик севар эди.
3. Йўлда ушбу айгир кўздан йўқолди-кетди.
4. Шу ерларда улкан бир тоғ бор эди.
5. Унинг тепасида совук бўлиб, усти муз билан копланган
6. Унинг чўккиси эса, аёздан оппок бўлиб колган.
7. Шунинг учун ҳам унинг отини Музтоғ дейдилар.
8. Ўгуз когоннинг оти ўша Музтоғ
9. Ичига кочиб кетди. Ўгуз когон бундан,

XXVII

1. Анча вақт азоб чекиб юрди.
2. Аскарлари орасида бир мард эр киши бор бўлиб,
3. Хеч нарсадан кўркмас эди.
4. Юришларда, жангда матонатли бир киши эди.
5. Ўша бек тоғнинг ичига кетди, кўп юрди.
6. Тўккиз кундан сўнг Ўгуз когонга,
7. Ўша айгир отни келтирди.
8. Музтоғда совук каттик бўлганидан.
9. Ўша бек корга беланиб колган ва (уст-боши) оппок кор эди.

XXVIII

1. Ўгуз когон суюниб кулиб айтдиким:
2. «Эй сен: бу ерларда бекларга бошлик бўл,
3. Мангуликка кагарлик сенга ном бўлсин» деди.
4. Сон-саноксиз кимматбахо нарсаларни совга килди.
5. Йўлда яна улкан бир уй кўринди. Бу уйга етиб келдилар.
6. Томи олтиндан эди.
7. Мўрилари кумушдан, эшиклари темирдан эди.
8. Эшиклари берк бўлиб, очкичи йўк эди.
9. Лашкарида яна бир чевар уста бор эди.

XXIX

1. Унинг оти Тўмурду Кагул деган эди,
2. Ўшанга буйрук килдиким: «Сен бери кел, оч эшикни.
3. Очганингдан сўнг юкорига кел» деди.
4. Шундан сўнг унга калач деб от кўйди. Яна олдинга кетди.
5. Яна бир кун тукли, кўк ёлли бўри тўхтаб колди.
7. Ўгуз когон хам туриб колди. Кўргон тикадиган бўлди.
8. Экин-тикини йўк бир ёмон ер эди.
9. Бу ерни чурчит деб аташарди.

XXX

1. Буюк бир мамлакат, эл-юрт эди.
2. Йилкилари кўп, сигир-бузоклари кўпдан-кўп.
3. Олтин-кумушлари беҳисоб, кимматбахо нарсалари саноксиз эди.
4. Бу ерда чурчит когони, эл-юрти Ўгуз когонга карши келдилар.
5. Уруш, жанг бошланди: ўқлар отишди.
6. Киличлар чопишди. Ўгуз когон бостириб борди ва енгди.
7. Чурчит когонини босди, ўлдирди.
8. Бошини кесди. Чурчит эл-юртини.
9. Бокинтириб, ўзига карам килди. Жангдан сўнг Ўгуз когоннинг,

XXXI

1. Аскарларига, лашкарига, эл-халкига
2. Шунчалик кўп ўлик ўлжа тушдиким,
3. Юкламакка, тортмокка от, хачир, хўкиз.
4. Озлик килди. Шунда Ўгуз когоннинг.
5. Аскарлари орасида бир уддабуррон, тийрак, чевар киши бор эди.
6. Унинг оти Бармоклуг Йўсин Биллик эди.
7. Ушбу чевар бир арава йўнди. Арава устига
8. Ўлик ўлжани юклади, арава бошига тирик ўлжани кўшди.
9. Тортиб кетдилар. Навкарларнинг,

XXXII

1. Эл-юртнинг барчаси буни кўрдилар.
2. Яна (бошка) аралар йўнишга шошилдилар. Шунда арава юганда,

3. «Канга-канга» деган овоз чикарар эди.
4. Шунинг учун бу нарсага «Канга» деб от кўйишди.
5. Ўгуз когон араваларни кўрди, кулди.
6. Яна айтдиким: «Арава! Арава
7. Билан ўлик (молни) тирик (мол) тортиб кетсин
8. «Кангалик» сенга от (ном) бўлмоклиги лозим. Канга
9. (Арава) нишон бўлсин, деб айтди ва кетди.

XXXIII

1. Шундан сўнг яна ўша кўк тукли, кўк ёлли,
2. Эркак бўри етагида Синду тоғи, Тангут тоғи,
3. Шагам(Шом) трмонлари бўйлаб кетди.
4. Жуда кўп уруш ва жанглардан сўнг,
5. У ерларни олди, ўз юртига бирлаштирди.
6. Зафарлар козонди, босиб олди. Яна эрдан чикмасин.
7. Маълум бўлсинким, жануб томонда,
8. Баркан деган бир ер бордир.
9. Жуда бой бир юртдир. Роса иссик ўлкадир.

XXXIV

1. Унинг ерлари кийик ва кушларга бойдир
2. Олтини кўп, кумуши кўп, кимматбаҳо нарсалари кўп
3. (Инсонларнинг) ранги, юз-башалари коп-корадир
4. Ўша ўлканинг коғони Масар деган бир когон эди
5. Ўгуз когон ўшанинг устига юриш килди
6. Каттик, шиддатли уруш бўдди
7. Ўгуз когон енгди. Масар когон кочди
8. Ўгуз когон уни босди, юртини олди, кетди. Унинг дўстлари
9. Жуда севиндилар, унинг душманлари эса кўп

XXXV

1. Кайгулар топди. Ўгуз когон уни енгди.
2. Сон-саноксиз бойликлар, йилкилар олди.
3. Юртига-уйига тортиб кетди.
4. Яна назардан четда колмасинким,
5. Маълум бўлсинким, Ўгуз когоннинг
6. Ёнида ок саллали, ок сочли,
7. Узун соқоли бир қари киши бўлар эди.
8. У ақдли, олижаноб киши бўлиб, роса чаккон киши эди.
9. Унинг оти Улуг Турук эди.

XXXVI

1. Кунлардан бир кун у уйкуда бир олтин ёй кўрди.
2. Яна уч кумуш ўк кўрди. Бу олтин
3. Ёй кунчикардан то кун ботаргача
4. Чўзилган эди. Яна ўша уч ўк-

5. Кумуш ўк зулмат (шимол)томонга кетаётган эди.
6. Ўйкудан тургандан сўнг тушида кўрганини
7. Ўгуз когонга билдирди.
8. Яна айтдиким: «Эй, когоним, сенинг
9. Умринг узун бўлгай, эй когоним,

XXXVII

1. Сенга мустахкам хокимият насиб этгай.
2. Менга Кўк Тангри тушимда (аён) берди, ўнгимдан келтирсин.
3. Уммондай чексиз ерлар авлодларингга буюргай» деди
4. Ўгуз когон Улуг Турукнинг
5. Сўзларини яхши кўрди. Ўгитига кулок солди,
6. Унинг ўгитига кўра иш тутди. Ундан сўнг
7. Тонг отгач ога-иниларини
8. Чорлаб келтирди. Яна дедиким: «Эй! Менинг
9. Кўнглим ов истайди.

XXXVIII

1. (Аmmo)Карилигим боис гайратим йўқдир
2. Кун. Ой, Юлдуз! Сизлар тонг сарига боринглар!
3. Кўк, Тог, Тенгиз! Сизлар тун сарига боринг!» — деди.
4. Шундан сўнг учовлон
5. Тонг сари кетди. Бошка учиси эса
6. Тун сари кетдилар. Кун, Ой.
7. Юлдуз жуда кўп кийик, кўп куш овлаб
8. Сўнг йўлда бир олтин ёйни
9. Топдилар, олдилар (келтириб) отасига бердилар.

XXXIX

1. Ўгуз когон севинди, кулди. Кейин уни(ёйни)
2. Уч бўлак килди. Тагин айтдиким: «Эй огалари,
3. Ёй сенларга бўлсин, ёйдек
4. Ўкларни кўкка караб отинг» — деди.
5. Яна шундан сўнг Кўк, Тог.
6. Тенгиз кўп кийиклар, кўп кушлар овлагач,
7. Сўнг йўлда уч кумуш ўкни
8. Топдилар. Олиб отасига келтирдилар.
9. Ўгуз когон севинди, кулди сўнг ўкларни,

XL

1. Учаласига улаштирди ва дедиким:
2. «Эй инилар! Ўклар сенларга бўлсин
3. Ёй ўкни отади.
4. Сенлар ўклардек бўлинг» — деди. Яна шундан сўнг
5. Ўгуз когон буюк бир курултой чакирди.
6. Аскарларни, эл-юртни чорлаб чакирди.

7. Келишди, кенгашиб ўтиришди. Ўгуз
8. Когон улуг ўрдада ...
9. ... Сўл ёгида уч ўклар, ўнг томонида ўтирди.

ХLI

1. Кирк кулоч ёгочни ўрнатиб, унинг
2. Учига бир олтин товук ясатти.
3. Куйига бир ок кўйни боғлатди. Сўл
4. Томонда ҳам кирк кулоч ёгоч ўрнатиб,
5. Унинг учига бир кумуш товук ясаттирди.
6. Куйисига эса бир кора кўйни боғлатди.
7. Ўнг ёкда бузўклар ўтирди.
8. Сўл ёкда учўклар ўтирди.
9. Кирк кун, кирк кеча ошадилар.

ХLII

1. Ичдилар, хурсандчилик килдилар. Шундан сўнг Ўгуз когон,
2. Ўгилларига юртини улашиб берди. Яна дедиким:
3. «Эй ўгиллар! Мен кўп яшадим, кўп урушлар кўрдим,
4. Найзани ўк килиб отдим, айгир миниб кўп йўртдим.
5. Душманларни йиглатдим, дўстларимни кулдирдим
6. Кўк Тангри олдида бурчимни ўтадим.
7. Юртимни сизларга колдираман, деди...
8. ...
9. ...

ЛУГАТ

—А—

- адак — 1. оёк, 2. этак(тогнинг)
адуг — айик
айан — равшан, аник
ал — оловранг
амирак — дўст
ангагу — нишон, аломат, белги
аташлук — оловли(ранг)
атламак — отланмок, кўзгалмок
атлагу — уруш, жанг
ачкич — очкич, калит
ашамак — емок

аштум — муайян ёшни яшадим, ёшимни яшаб, ошимни ошадим
ака — ака, ога
агиз — лаб, дудок
агизумга бак — бўйинсунмок, тобе бўлмок

— Б —

балик — шаҳар, кент
баргу — ўлжа, бойлик
баргулуг — бой, бадавлат
башмак(башди) — галаба козонмок, енгмок
баш чалинмок — бўйинсунмок
бегу — совга, тортик
бедук — буюк, катта, улкан
бедукламок — улгаймок, буюкланмок
бенданг — стул, ўриндик
берик — мустаҳкам, берк
биллуг — маълум, белгили
бирлади — бирлаштирди, кўшиб олди
будамок — кўпаймок, бўлинмок
бузгулуг — бўлак, парча
буйан — олижаноб, марҳаматли
булун — 1. бурчак; 2. томон
булунг — томон, тараф
булуни — эгалламок, кўлга киритмок, топмок

— И, Й —

ичагу — ички аъзолар, ичак-чавок
ишай — зукко, тийрак
йа — камон, ёй
йази — дашт, очик ер-дала
йалбаргу — топиниш, ибодат
йангак — тараф, томон
йарламак — юбормок, таъмин этмок
йарлик — фармон, ёрлик
йарумак — кўзи ёрилмок, фарзанд кўрмок
йарук — ёруглик, нур
йагри — елкаси, кифти

йиг — хом, пишмаган
йида — чўкмор, гурзи
йиту — йўколмок, гойиб бўлмок
йигач(1) — ёгоч, дарахт
йигач(2) — бу ерда авлод шажараси
йуругу — сафар, саёхат
йумшамак — юбормок, буюрмок

— К —

кагаз — мард, жўмард
кена — яна, сўнг
кик — ов хайвон; кийик
киш — ўрмон хайвони-самур
кундунки— жануб
кутамак — бокмок (уй хайвонларини)
кўгуз — кўкрак, кўкс
кўклог — кўркам, чиройли, кўхлик
кўл — яйлов, очик майсали жой

— М —

маманглаб — кувонч билан
менг — юз кисмидаги катта хол
муз — ок ранг, окиш
муран — дарё

— Н —

напсики — фаришта, хур-гилмон

— С —

сари — томон, йўналиш
сарулмиш — беланган, бўялган
сингир — пай, сингир
суйуркаб — мархамат килиб
сурма — шароб, вино
суги — сув(и)
сўз бермак — сўзга солмок, гап бермок
сўгургу — уруш
сўгук — совук, аёз

— Т —

талун(й) — денгиз, бахри мухит
тап — истак, хошиш
тапик — этак, охири(масалан, тог этаги)
тапуг — олдида (кўмакчи)
таратгу — совга, ўлпон
тарлагу — экин, экинзор
тартип — келтириб
ташкарун — ташкарида
такук — товук
тагам — том
тегурак — тўлик, узил-кесил
телим — хар хил, турфа
теранг — чукур
тузун — тўгри, адолатли

тулуклук — юнгли, тукли
тунглук — мўри
туртурмак — йигиштирмак
туруб турмак — тўхтамок
тутрулунч — жанг-жадал
тушимал — тушни йўйувчи киши
туг — байрокнинг тури-туг
тўзун — олижаноб
тўл — накд, дарров
тўнг — совук
тўрулук — хокимият
тўкуш — жанг
тўгурмак — тугмок, тугдирмок

— У —

уд — сигир
узлук — тажрибали, уддабуррон
унжу — инжу
уран — парол
урман — яра, жарохат
урушунч — жанг-жадал
урушгу — жанг
уруг — насл, авлод
усуг — мавж, тўлкин
учагу — учови, учаласи
учу — учови, учаласи
укгулук — зукко, доно

— Ч —

чаланг-буланг — у-бу, хеч нарса
чамат атмак — жахли чикмок, газабланмок
чамат чакмак — жахли чикмок, газабланмок
чанг — тонг
чапмак(1) — топмок
чапмак(2) — ясамок
чашкарун — ташкарида
чевар — уста, мохир
черик — аскар, лашкар
чираги — юз, афт
чубуйан — ноз-неъматлар
чўнг — сўнг, чап, сўл
чўк — кўп
чўкуртан — ола, чипор

— Ш —

шашмак — тараддудланмок, шошиб колмок

шук — жимжит, осойишталик
шира — стол

— Э —

эл-кун — инсонлар, кишилар
эмгак — меҳнат, машаккат
эрдани — кимматбаҳо нарсалар
эриз-кагаз — мард, мардона

— Ӯ —

Ӯкуз — дарё
Ӯнглуги чираги — юзининг ранги
Ӯнга — чидамли, бардошли
Ӯру — юкори
Ӯгуз — огиз (биринчи сут)

— К —

кабучак — кобик, кавак
калик — эшик
камаги, камуг — хаммаси, барчаси
канга — арава
калуглук — ёпик, берк
карт — кари, кекса, кария
каталагу — сакламок, кўримок
катаглагу — эргашиш, изидан юриш
кагар — кор
кагатир — хачир
киат — тимсох (?)
киз — ноёб, нодир
кудуг — киргок, бўйи
кўйун — кўй
кўриган — кўргон, истехком
кўгулгулу — ялтирок

Нашрга тайёрловчи: Бахтиёр Исабек